**Ушбу сонда:**
3 — ЖАМҒАРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ – КЕЛАЖАК ХАЗИНАСИ
4-5 — СИҲАТГОҲЛАР ЧОРЛАЙДИ
6 — ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 23 апрел, шанба № 66 (1907)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## А.Ҳ.Тўхтаевни Тошкент шаҳар ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Абдуқаҳҳор Ҳасанович Тўхтаев Тошкент шаҳар ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 22 апрел

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## А.Ҳ.Тўхтаевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари лавозимидан озод этиш тўғрисида

Абдуқаҳҳор Ҳасанович Тўхтаев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари лавозимидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 22 апрел

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## Р.М.Шоабдураҳмоновни Тошкент шаҳар ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Рустам Мавзурович Шоабдураҳмонов ўз аризасига биноан Тошкент шаҳар ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 22 апрел

# АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗ ҲАР ЖИҲАТДАН ГЎЗАЛ ВА ОБОД БЎЛСИН

## Президент Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги

## НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!

Авваламбор, бугун сиз, Тошкент шаҳар халқ ноиблари ва жамоатчилиги вакиллари билан кўришиб, барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этмоқчиман.

Муҳтарам депутатлар!

Ўзбекистоннинг қайси бурчагида бўлмасин, мана шундай учрашувларни мен юртдошларимиз, турли соҳа вакиллари билан мулоқотда бўлиш, бугунги ҳаётимизнинг барча томонлари, мавжуд муаммолари ва уларни ечиш ҳақида атрофлича фикр алмашиб олишнинг яна бир воситаси деб биламан.

Айниқса, азим пойтахтимиз Тошкент аҳолиси билан бўладиган ҳар галги учрашувни - очиқ айтишим керак - мен ўзим учун алоҳида муҳим воқеа сифатида қабул қиламан. Нега деганда, қадимий тарих ва беқиёс салоҳиятга эга бўлган бу шаҳар бутун мамлакатимиз ҳаётини кўзгудек акс эттиради. Тошкент аҳлининг дунёқараши ва кайфияти кўп жиҳатдан эл-юртимизнинг руҳи ва кайфиятини мужассам этади, десам, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Ҳеч кимга сир эмаски, халқимиз пойтахтда рўй бераётган ижтимоий жараёнларни доимо катта қизиқиш билан кузатади ва уларнинг бутун мамлакат ҳаётига бевосита таъсир кўрсатишини яхши англайди. Чунки Тошкент барчамиз учун аввало мустақил давлатимизнинг гўзал пойтахти, мамлакатимизнинг юраги, таъбир жоиз бўлса, Ватанимизнинг муқаддас остонасидир. Жаҳон аҳли учун она диёримиз билан танишув авваламбор ана шу остонадан бошланади. Шу маънода, Тошкентнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий ҳаётимиздаги, давлат бошқаруви, иқтисодиётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп гапириш мумкин.

Бугунги кунда пойтахтимизнинг обрў-эътибори бутун дунёга таралиб, «Шарқ дарвозаси» деб тан олингани бежиз эмас, албатта. Тошкент - биринчи навбатда йирик сиёсий марказдир. Ички ва ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиш ва тамойиллари, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, эркин бозор иқтисодиётини ривожлантириш билан боғлиқ, узоқ ва яқин келажакка мўлжалланган режалар айнан мана шу ерда ишлаб чиқилади ва ҳаётга татбиқ этилади.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, Тошкент республикамиз иқтисодий куч-қудратининг шаклланиш ва тикланиш жараёнида доимо мустаҳкам пойдевор бўлиб келган. Ҳозирги пайтда иқтисодиётимизнинг қайси соҳасини олмайлик - бу оғир ёки енгил саноат бўладими, мудофаа соҳасини ташкил қиладиган корхоналар ёки энг юксак технологиялар асосида фаолият кўрсатадиган ишлаб чиқариш қувватлари бўладими - Тошкент буларнинг барчасини ўзида мужассам этган улкан индустрия марказига айланган, иқтисодиётимизнинг жуда катта улуши айнан пойтахтимизга тўғри келади.

Бугунги кунда бу ерда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 14 фоизи ишлаб чиқарилаётгани ва бир ярим миллиард АҚШ долларидан ортиқ ҳажмдаги маҳсулот экспорт қилинаётганининг ўзи ҳам буни тасдиқлайди.

Тошкентда энг йирик, замонавий корхоналарни ишлатиш ва бошқаришга, уларнинг келажагини таъминлашга профессионал нуқтаи назардан қодир бўлган кўпмингли ва кўпмиллатли ишчилар аҳли, билимдон менежерлар, мутахассислар, мана шундай завод-фабрикаларни бунёд этадиган қурувчилар борлиги билан ҳар қанча ғурурлансак арзийди, албатта. Тошкент ўзининг юксак интеллектуал ва маданий салоҳияти билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Энг нуфузли илм-зиё масканлари - Фанлар академияси, етакчи олий ўқув юртлари, фан ва маданият марказлари, театр ва музейлар, кўргазма заллари, кутубхоналар қаерда жойлашган - пойтахтимиз Тошкентда. Албатта, вилоятларимизда ҳам бундай даргоҳлар кўп, лекин уларнинг ишини мувофиқлаштириб, уларга намуна бўлиб, кўмак берадиган таянч ташкилотлар асосан пойтахтимизда фаолият юритади.

Тошкентнинг меҳнаткаш, бағрикенг, ҳамиша изланиб, келажакка интилиб яшайдиган халқи ҳар қандай ҳурмат-эҳтиромга муносиб. Айниқса, бу азим шаҳарда нуроний оқсоқоллар, давлат, жамоат арбоблари, ўз вақтида эл-юртга муносиб хизмат қилиб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган кўплаб мўътабар инсонларнинг яшаётгани ҳам пойтахтимизга ўзига хос файз ва тароват бағишлайди.

Тошкент маҳаллаларидаги инсонийлик муҳити, ўзаро меҳр-оқибат ҳар бир юртдошимизда катта ҳавас ва ғурур уйғотади. Дунёнинг пасту баландини кўрган маҳалла оқсоқоллари, кайвони онахонлар ўзларининг ҳаёт тажрибаси билан ёшларга тарбия ва сабоқ бериб, анъаналаримиз давомийлигини асраб келаётгани ибратлидир.

Миллий ҳаёт тарзимиз, урф-одат ва удумлар, дунёвий ва диний қадриятларни жой-жойига қўядиган бундай одамлардан кўп нарса ўрганиш мумкин. Шахсан мен шундай оқсоқоллар ва фаоллар билан суҳбатда бўлганимда кайфиятим қандайдир кўтарилиб, кўнглим ёришиб кетади. Шунча йил бу шаҳарда яшаб, раҳбар бўлиб ишлаб қалбимда доимо шундай туйғуни ҳис қилиб келаман ва менинг Тошкентга бундай қарашим, муносабатим ва муҳаббатим асло ўзгармайди.

Мухтасар қилиб айтганда, юртимизнинг бош шаҳри бўлмиш Тошкент, мамлакатимизнинг худдики уриб турган юраги ва шу ердан туриб бутун Ўзбекистонимизнинг томир уришини яққол сезиш мумкин.

Азиз дўстлар!

Кейинги йилларда Тошкент том маънода яшариб ва яшнаб бормоқда. Пойтахтимизда кўплаб замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, турар-жой бинолари, маданий-маиший объектлар, лицей ва коллежлар, болалар учун спорт масканлари ишга туширилганига, янги йўллар ва кўприклар қурилиб, майдонлар ва хиёбонлар, истироҳат боғлари тубдан реконструкция қилинаётганига барчангиз гувоҳ бўлмоқдасиз.

Тошкентнинг тобора гўзал ва обод бўлиб бораётгани нафақат пойтахт аҳлига, ишончим комилки, бутун халқимизга қувонч ва ифтихор бағишлайди. Сўнгги бир-икки йил ичида миллий ва замонавий меъморчилик ютуқларини уйғунлаштирган ҳолда барпо этилган муаззам ва бетакрор Сенат биноси, Тасвирий санъат галереяси, «Гранд-Мир», «Ле-Меридиан», «Дедеман» каби ўнлаб муҳташам иморатлар айниқса шаҳримиз кўркига кўрк қўшиб турибди. Мен бугун бу тўғрида, яъни шаҳримиз қиёфасининг таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётгани ҳақида кўп гапирмоқчи эмасман. Лекин, фурсатдан фойдаланиб, фақат битта мисолга эътиборингизни қаратмоқчиман. Шу кунларда пойтахтимизнинг бир қанча майдон ва мавзелари қатори Эски шаҳар ҳудудини реконструкция қилиш ва ободонлаштириш бўйича катта ишлар олиб борилаётганидан сизлар хабардорсиз, албатта.

Ўзингизга маълумки, Эски шаҳар кўп йиллар мобайнида эски ва ночор қиёфада қолиб келди. Бу ҳудуддаги аҳвол инқилобдан кейин ҳам, Иккинчи жаҳон урушидан олдин ва ундан сўнг ҳам амалда ўзгармади.

Бу ҳақда гапирганда, бир ҳолат одамни беихтиёр ҳайратда қолдиради.

Ўзбекистон табиий газ макони бўлатуриб, улкан газ қувурлари орқали Бухоро ва Қашқадарё конларидан олинадиган газ билан собиқ иттифоқнинг барча марказларини таъминлаб турган бир пайтда пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида 90-йилларгача газ у ёқда турсин, ҳатто водопровод қувурлари, кўп жойларда канализация ўтказилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

**(Давоми 2-бетда)**

*Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган ўзбек кураши бўйича анъанавий VII халқаро турнирида*

# ҒОЛИБЛАРНИ

## медаллар, диплом ва қимматбаҳо совғалар кутмоқда

***Бугун Термиз шаҳридаги «Алпомиш» ўйингоҳида Президент соврини учун ўзбек кураши бўйича Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий VII халқаро турнир ҳамда фахрийлар ўртасида белбоғли ва ўзбек кураши бўйича I жаҳон чемпионати беллашувлари бошланади.***

Бу галги мусобақалар авваллгиларидан фарқ қилади. Чунки беллашувларда полвонлар фақат мутлоқ вазнда куч синашадилар. Яна бир эътиборга молик жиҳат шуки, Термизда фахрийлар ўртасидаги илк жаҳон чемпионати ҳам старт олади.

– Йил сайин нуфузи ошиб бораётган халқаро турнирда иштирок этиш учун 20 дан зиёд мамлакатлардан полвонлар ташриф буюрди, - дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бўлим бошлиғи Эргаш Худоёров. – Улар орасида кураш мухлисларига яхши таниш бўлган бразилиялик Карлос Хонарато, Олимпиада ўйинлари ғолиби грециялик Иллиас Иллиадис, жанубий кореялик Ким Жунг, эронлик Муҳаммад Ризо, полшалик Пётр Дудек сингари маҳоратли курашчилар бор. Кўриниб турибдики, кураш беллашувлари ғоят қизиқарли, муросасиз баҳсларга бой тарзда ўтади.

Нуфузли мусобақада мамлакатимиз шарафини 35 нафар полвон ҳимоя қилади. Хусусан, Абдулла Тангриев, Чингиз Бойматов, Фарҳод Жуллиев, Давлат Чориев, Рамзиддин Саидов, Ўткир Қурбонов, Суҳроб Дўстов, Камол Муродов сингари полвонларимиз гиламга чиқадилар.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, фахрийлар ўртасидаги беллашувлар ҳам ниҳоятда қизиқарли ўтиши кутилмоқда. Ушбу биринчи жаҳон чемпионати ғолибларига медаллар, диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилади. Халқаро турнирда зафар қучган полвонларни эса 20 минг АҚШ доллари миқдоридаги мукофот кутмоқда.

**А.ЮНУСОВ,**
**Р.ДАВЛАТОВ,**
**«Ишонч» мухбирлари**

# ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

***22 апрел куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.***

***Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.***

Давлатимиз раҳбари Тошкентнинг Ватанимиз сиёсий-ижтимоий, маънавий ҳаётида, давлат бошқаруви ва миллий иқтисодиётда тутган ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида атрофлича тўхталди.

Пойтахтимизда республика ялпи ички маҳсулотининг қарийб 14 фоизи ишлаб чиқарилмоқда ва 1,5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ ҳажмда маҳсулот экспорт қилинмоқда.

Тошкент ўзининг юксак интеллектуал ва маданий салоҳияти билан алоҳида ажралиб туради. Энг нуфузли илм-зиё масканлари шу ерда жойлашган. Шаҳар маҳаллаларидаги инсонийлик муҳити, ўзаро меҳр-оқибат ҳар бир юртдошимизда ҳавас ва ғурур уйғотади.

Бугун Тошкент том маънода яшариб ва яшнаб бормоқда. Кейинги йилларда барпо этилган муаззам ва бетакрор Сенат биноси, Тасвирий санъат галереяси, «Гранд-Мир», «Ле-Меридиан», «Дедеман» каби ўнлаб муҳташам иморатлар шаҳримиз кўркига кўрк қўшиб турибди. Шу кунларда пойтахтимизнинг бир қанча майдон ва мавзелари қатори Эски шаҳар ҳудудини реконструкция қилиш ва ободонлаштириш бўйича катта ишлар олиб борилаётир.

Шу билан бирга, деб таъкидлади Президентимиз, пойтахтимизда яшайдиган қарийб икки ярим миллион одамнинг кундалик турмушига ҳамнафас, ҳамдард бўлиш, уларнинг ҳаётий муаммоларини ечишга масъул, бу вазифани ўз фаолиятининг асосий маъно-мазмуни деб билиши зарур бўлган идора - шаҳар ҳокимлиги раҳбариятининг аввало ҳамшаҳарларимизни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш ва бошқариш борасида қурби, масъулияти ҳамда жавобгарлиги етишмаяпти.

Мисол учун, шаҳардаги кўпқаватли уйларни бошқариш масаласи кўпдан буён оғир муаммо бўлиб қолмоқда. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмагани оқибатида аҳолининг коммунал хизматлар бўйича қарздорлиги, 2005 йил 1 январ ҳолатига кўра, 20 миллиард сўмдан ошиб кетган. Телефон хизмати кўрсатиш бўйича дебиторлик қарзи эса 1,5 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 6 фоизга ошган.

Якка тартибда фаолият юритадиган тадбиркорлар билан ишлаш ҳам қониқарли эмас. Тадбиркорлар учун зарур шарт-шароит яратиб бериш билан боғлиқ ишларни назорат қилиши лозим бўлган шаҳар ва туман ҳокимликларида ошна-оғайнигарчилик, ўзбошимчалик, ҳатто порахўрлик ҳолатлари учраб турибди.

Аҳолини иш билан таъминлаш борасида қатор муаммолар йиғилиб қолган. Ҳозирги кунда шаҳар бўйича иш билан доимий банд бўлмаган аҳоли 47,7 минг кишини ташкил этмоқда. Уй-жой қурилиши соҳасида ҳам оқсоқликлар мавжуд. Бошқача айтганда, шаҳарни бошқаришда ташкилотчилик ва талабчанлик бўшашиб кетган.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Рустам Шоабдураҳмонов ўз аризасига биноан Тошкент шаҳар ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган Абдуқаҳҳор Тўхтаев Тошкент шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан пойтахтнинг Чиғатой-Оқтепа маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Хайрулла Мўминов, Шайхонтоҳур тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсман) Тошкент шаҳридаги ҳудудий вакили Шоиноят Шоабдираҳимов, «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти бош директори Вадим Кучеров, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши раиси Фурқат Маҳмудхўжаев Президентимиз нутқида келтирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни уюшқоқлик, ташаббускорлик ва масъулият билан адо этиш пойтахт аҳлининг асосий бурчи эканини таъкидладилар.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА мухбири**



Бувайда ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган сифатли ип-калава маҳсулотлари ўз харидорларини топмоқда. Ишга омилкорона ёндошилаётганлиги, шу билан бирга корхона хизматчилари учун қулай меҳнат шароитлари яратиб берилганлиги ушбу ютуқларнинг асосий омили бўлмоқда. Шунинг учун ишчи-хизматчилар маҳсулот сифатини янада яхшилаш ва ҳажмини ошириш мақсадида жонбозлик билан меҳнат қилишаяпти.

**Суратда: илғор ишчи М.Жумақўзиева.**

**М.ҚОДИРОВ**
**олган сурат**

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

# ЎЖАРЛИК

## раҳбарга ярашмайди

***Қонунга суянган, унга амал қилган киши ҳеч қачон ютқазмайди. Аксинча, меъёрий ҳужжатларга асосланмасдан иш юритишнинг охири вой. Дарвоқе, бундай ҳолат Боёвут туман марказий шифохонаси мутасаддиларига ҳам катта сабоқ бўлган бўлса ажабмас.***

Инсон тақдири ўйинчоқ эмас. Унинг ҳақ-ҳуқуқи, манфаатлари қонун муҳофазасига олинган. Аммо, минг афсуски, туман марказий шифохонасида бу масалага анча юзаки ёндошилди. Ёлғиз онанинг, бева аёлнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ масала мутасаддилар хоҳиш-истаклари асосида ҳал этилганлиги чигалликни келтириб чиқарди. Хўш, ушбу катта жамоада аслида нима бўлганди? Яхшиси, воқеа тафсилотларига батафсилроқ тўхталайлик.

Замира Яҳёева тиббиёт соҳасида таҳсил олди. У шу соҳада ишлаш, одамлар дардига дармон бўлишни юракка тукканди. Ниҳоят ниятига эришди. Тумандаги 1-Боёвут тез тиббий ёрдам қўналғасига навбатчи фельдшерлик лавозимига ишга қабул қилинди. Орадан ойлар, ҳатто йил ҳам қувлашиб ўтди. Бу вақт ичида Замира яхши ишлашга, жамоадошлари ҳурматини қозонишга астойдил ҳаракат қилди. Жамоада аста-секин ўз ўрнига эга бўла бошлади. Лекин ҳеч маҳал бирдан ишдан бўшатилишини ўйлаб кўрмаганди. Ўтган йилнинг 2 август куни бош шифокор Б.Умрзоқов буйруғи билан эгаллаб турган вазифасидан озод этилди. Сабаби Замира ишлаб келаётган ўрнига ҳомиладорлик таътилида бўлган ходим қайтаётган экан. Гарчи бош шифокорнинг огоҳлантирмасдан, сўраб-суриштирмасдан қўққисдан ишдан бўшатиб юборгани қаттиқ таъсир қилган бўлса-да, тақдирга тан беришни афзал билди. Шифохона маъмурияти эса унга на бирор иш таклиф қилди, на буйруқдан кўчирма берди. Энг ачинарлиси, Замира меҳнат дафтарчасини ололмасдан кўп вақт овораи сарсон бўлиб юрди.

Охири Замира кўмак сўраб Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгашининг вилоят вакиллигига мурожаат қилди. Жамоат ташкилоти аввалига муросаю мадора йўлини тутиб, шифохона раҳбарларини бир неча бор огоҳлантирди. Ҳеч қандай жавоб бўлмагач қонунбузилиш ҳолатига барҳам бериш мақсадида манфаатига путур етган ходим ҳимоясига қаттиқ киришди. Қарангки, бош шифокор ана шунда ҳам пинак бузмади. Касаба уюшманинг қонуний талабларини менсимади.

- Ана шундан сўнг Замира Яҳёева манфаатларини кўзлаб Боёвут туман фуқаролик судига даъво аризаси киритдик, - дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгашининг вилоятдаги вакили Раъно Абдалимова. - Суд масалани пухта ўрганиб, маъмурият томонидан меҳнат қонунлари қўпол равишда бузилган деб топди. Жабрланувчига мажбуран бекор юрган 7 ойу 10 кун учун 205 минг 800 сўм ундириб бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Адолат қарор топди. Меҳнат дафтарчасини ололмасдан, бирор иш этагини тутолмасдан ярим йилдан ошиқ бекор юрган аёл ҳуқуқи тикланди. Аммо бу билан чигал масала ҳали-ҳануз ечим топмаяпти. Негаки, ҳали марказий шифохона Замира Яҳёевага сариқ чақа ҳам тўлаб бергани йўқ. Салкам икки ойдирки суд қарорини бажариш пайсалга солиб келиняпти. Бу масаланинг бир жиҳати. Яна бир жиҳат шундаки, зарар кимнинг ҳисобидан қопланади? Ахир, бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган шифохонада хатоларни тўғрилаш учун маблағ кўзда тутилмаган-ку! Афтидан ана шу муаммо кўндаланг турганга ўхшайди. Бу масалада барча масъулият охирини ўйламасдан буйруққа имзо чеккан бош шифокор Б.Умрзоқов зиммасига тушиши керак. Ваҳоланки, у қонунга суянганида бир инсон ҳуқуқи поймол этилмас, асаблар қақшаб, ёз-ёзларга ўрин қолмасди. Эндиликда аччиқ бўлса-да ўзи пиширган ошни айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ичишдан ўзга чораси йўқ. Не бўлганда ҳам, тез орада бева аёл мушкули осон бўлади, деб ишонамиз.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗ ҲАР ЖИҲАТДАН ГЎЗАЛ ВА ОБОД БЎЛСИН

(Боши 1-бетда)

Энг ачинарлиси, ҳатто 1966 йилги зилзиладан кейин Тошкентни тиклаш ва қайта қуриш бўйича амалга оширилган ишлардан ҳам шаҳарнинг бу қисми яна четда қолаверди. Бу ерда на шаҳарсозлик, на ободончилик масаласида бирон-бир жиддий иш бажарилмади.

Кўпчилик пойтахт аҳли қатори эллик йилдан буён Тошкентда яшайдиган инсон сифатида мен ҳам буни кузатаман. Бундай пайтда одам беихтиёр ажабланиб, ёқа ушлайди: бу, Эски шаҳар аҳлининг нима айби борки, бундай шароитда яшаши керак?

Ўйлайманки, бундай ҳолат ўзини шу шаҳарнинг фуқароси, шу шаҳарнинг фарзанди деб биладиган ҳар қандай одамни хижолат ва ташвишга солмасдан қўймайди.

Шунинг учун ҳам биз мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб Тошкентнинг тарихий маркази бўлган Эски шаҳарни буюк ўтмишимизга, шу ерларда яшаб ўтган ота-боболаримизнинг руҳига ҳурмат-эҳтиром ифодаси сифатида обод қилиш, уни пойтахтимизнинг замонавий қиёфаси билан уйғунлаштиришни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик.

Шу мақсадда 90-йилларнинг охирига келиб, Сағбон, Қорасарой ва Форобий кўчалари тубдан қайта қурилиб, магистраль йўлларга айлантирилгани, тангу тор кўчалар кенгайтирилиб, таъмирлангани, ушбу ҳудудга табиий газ ва канализация тармоқлари ўтказилгани ҳам сизларга маълум.

Бироқ, очиқ тан олиш керак, бу ишлар мавжуд аҳволни бутунлай ижобий томонга ўзгартиролмади. Шу маънода, биз Эски шаҳар аҳолиси олдида ҳалибери қарздормиз. Шунинг учун ҳам бугун иқтисодиётимиз бақувват бўлиб, имкониятларимиз кенгайиши билан шу оғир муаммони ечишни давом эттирдик, қисқа давр ичида бу йўлда дастлабки амалий қадамлар қўйилди.

Буни Эски шаҳар ҳудудида 500 нафар опа-сингилларимизни иш билан таъминлаган «Сағбонтекстиль» қўшма корхонаси, ҳар сменада 300 кишини қабул қиладиган оилавий поликлиника, «Истеъдод» ёшлар маркази, 3 та болалар боғчаси, 4 та стадион, 12 та маҳалла гузари, 5 та маросимлар уйи, маънавият ва маърифат масканлари, кўплаб маиший хизмат шохобчалари қуриб битказилиб иш бошлагани ҳам кўрсатиб турибди.

Шулар қаторида, Шайхонтоҳур туманининг Қоратош мавзесида хорижий ҳамкорлар иштирокида 350 ишчи ўрнига эга бўлган замонавий тикув ва тўқув фабрикаси, Акмал Икромов туманининг Саккокий кўчасида ҳам худди шундай фабрика қурилиб, ишга топширилиш арафасида.

Бунга қўшимча қилиб, «Чевар» акциядорлик жамияти негизида германиялик ҳамкорлар билан пайпоқ фабрикаси ҳамда халқаро молиявий ташкилотлар сармояси иштирокида полиэтилен қоплар тайёрлайдиган корхона қуриш бўйича амалий ишлар қилинаётганини ҳам айтиш лозим.

Барчамизга аёнки, Шарқда азалдан бозор халқ турмуш даражасининг, хонадон ободлиги, дастурхон тўкинлигининг кўзгуси бўлиб келган. Шу сабабли Тошкентнинг асосий бозори бўлмиш Чорсу бозорида қайта қуриш ва ободонлаштириш ишлари бошланиб, изчил давом эттирилмоқда.

Сўнгги пайтда бу ерда 560 ўринли кийим-кечак дўконлари, 220 ўринли миллий либос расталари, 500 ўринли сабзавот расталари барпо этилди.

Айни вақтда бозор инфратузилмасини кенгайтириш, савдо маданиятини ошириш, санитария ҳолатини яхшилаш, транспорт қатнови ва йўлларни тартибга солишга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғини реконструкция қилиш, шу мавзеда яшайдиган аҳоли ва фарзандларимизга ҳордиқ чиқариш билан бирга, тарбиявий муҳит яратадиган шароит ташкил қилиб бериш, хориждан замонавий аттракционларни олиб келиб ўрнатиш, атрофни ободонлаштириш бўйича бошлаган ишларимиз ҳам тез кунларда ниҳоясига етади, иншоолло.

Эски шаҳар ҳудудида экология масаласида ҳам талай муаммолар мавжудлигини барчангиз яхши биласиз.

Бу жойларнинг ҳавоси оғир, айниқса ёз пайтида қандайдир ғубор ичида қолиб кетишини ҳисобга олиб, экологик шароитни яхшилаш, таъбир жоиз бўлса, Эски шаҳарнинг кўкрагига шабада тегиши учун амалий ишлар қилинмоқда.

Бу қадимий даҳага хос тарихий-маънавий муҳитни сақлаб қолиш мақсадида ён-атрофда жойлашган меъморий обидаларни таъмирлаш, йўллар четида, бекатларда пала-партиш қуриб ташланган кўримсиз иморатларни тартибга келтириш, ҳудуднинг умумий ҳолатини тубдан ўзгартириш масаласи ҳам диққатимиз марказида турибди.

Агар эсингизда бўлса, собиқ шўро даврида бетонпарастлик касалига чалинган айрим раҳбар ва мутасаддиларнинг узоқни кўролмаслиги туфайли Тошкент шаҳрида нафақат кўча ва майдонлар, балки одамлар эркин нафас олиши, ҳордиқ чиқариши учун бунёд этилган оромгоҳларни ҳам бетон ва асфальт билан қоплаб ташлаш ёмон одатга айланди.

Оқибатда нима бўлди? Жазирама ёз ойларида аҳоли, айниқса кекса ва касалманд кишилар, ёш болалар нафас олишга қийналадиган, уйида димиқиб ўтирадиган бўлиб қолди, илгари учрамаган турли касалликлар пайдо бўла бошлади.

Ахир, Тошкентдек иқлими ўта иссиқ, ёзда ҳарорат қирқ даражадан ошиб кетадиган шаҳарда шундай иш тутиш калтабинлик эмасми?

Бугун биз ана шу иллатнинг асоратларига барҳам бериш учун шаҳарда, жумладан, унинг марказий қисмида яшил ҳудудлар, дарахтзор ва кўкаламзор майдонларни кўпайтиришга алоҳида эътибор беряпмиз. Йиллар давомида тўпланиб, одамларни қийнаб, шаҳримиз елкасида оғир юк бўлиб келган муаммоларни - улар қанчалик қийин бўлмасин - имкон топиб ечишга ҳаракат қиляпмиз.

Лекин бу масалада ҳам ҳар томонлама узоқни ўйлаб иш тутиш лозим. Менинг фикримча, аввало ҳавони кислород билан бойитадиган эман, қарағай, каштан ва қайин каби дарахтларни, одамнинг кўзини қувонтирадиган манзарали буталарни кўпроқ экиш зарур. Ўзидан заҳарли моддалар чиқариб, инсон саломатлигига, экологияга салбий таъсир этадиган дарахтларни имкон қадар камайтириб бориш керак.

Табиийки, бундай ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини нафақат Эски шаҳарда, балки шаҳарнинг бетон босган бошқа жойларида ҳам амалга оширишимиз даркор.

Шунинг учун ҳам Бешёғоч майдонидаги Алишер Навоий номи билан аталадиган миллий боғни обод этиш, у ердаги тарихий кўлни тубдан реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди. Ҳозирги пайтда Мустақиллик майдонининг манзараси бутунлай ўзгариб, бекиёс чирой очиб бораётганини ҳаммангиз кўриб турибсиз.

Хабарингиз бор, Буюк Турон кўчасининг Марказий универсал магазинидан Космонавтлар проспектигача бўлган қисми, Шароф Рашидов кўчасининг Алишер Навоий кўчаси билан кесишган чорраҳасидан Абдулла Қодирий кўчасигача бўлган қисмида ҳам яшил ҳудудлар ташкил этилмоқда.

Умуман, ландшафт архитектурасидан оқилона фойдаланиш, яшил майдончалар ва фаввораларни кўпайтириш орқали пойтахтимизга замонавий тус бериш, шу тариқа шаҳарда салқин микроиқлим вужудга келишини таъминлаш, бу тажрибани бошқа вилоят ва шаҳарларимизда ҳам кенг қўллаш лозим, деб ўйлайман.

Бу ишлардан кўзланган асосий мақсад - аҳолига фаровон турмуш тарзи билан бирга, ҳар томонлама қулай яшаш шароитларини таъминлашдир.

Токи куни билан ишлаб, уйига чарчаб қайтган инсон атрофдаги сўлим боғлар, шинам хиёбонлар, тинч ва осойишта юртнинг гўзал манзараларини кўриб, бутун чарчоғи чиқиб кетсин. Ёш авлод эса мана шундай жаннатмакон диёрда яшаётганидан фахрифтихор туйғуларини ҳис этсин.

Бугун, шу минбарда туриб, яна бир фикрни халқимизга етказишни жоиз деб биламан. Биз нафақат Тошкент, балки Ватанимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари обод ва гўзал бўлишини, ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшашни хоҳлаймиз ва бу табиий ҳол, албатта. Лекин, ана шундай ҳаёт даражасига етишни орзу қилар эканмиз, аввало ўз олдимизга катта мақсадларни қўйиб яшашимиз ва меҳнат қилишимиз даркор.

Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон деб аталган шу табаррук заминга эзгу ният билан бир ниҳол экмоқчи бўлсак, уни айнан шу бугун экишимиз керак.

Майли, бу кўчатимиз бугун эмас, эртага эмас, балки йигирма, эллик-олтмиш йилда катта бир дарахтга айлансин, лекин такрор айтаман, унинг ниҳолини бугундан кечикмасдан экишимиз керак.

Агарки ҳар қайси инсон, бу уй меники, бу шаҳар меники, бу юрт меники, у қандай обод бўлса - бу менинг бахтим ва бойлигим, деган фикр билан яшаса, биз ўз мақсад-муддаоларимизга шунчалик тезроқ етамиз.

Мен айнан шундай ҳаётий фалсафа қон-қонимизга, суяк-суягимизга кириб боришини, қалбимиздан чуқур жой топишининг тарафдориман ва барчангизни, бутун халқимизни шунга даъват этаман.

Табиийки, бундай қараш, бундай кайфиятни одамлар онгига сингдириш осон эмас. Бу иш фақат даъват ёки чақириқ билан битмайди. Биз ҳаётга шундай муносабатни ёшларимиз юрагига жо этишимиз, бу масалани таълим-тарбия ишининг таркибий қисмига айлантиришимиз зарур.

Ҳеч шубҳасиз, бундай фикр билан яшаш нафақат давлат идораларининг, балки юртимиздаги барча катта-кичик ташкилотларнинг мақсад-вазифасига, бутун халқимизнинг бурчи ва интилишига айланиши керак.

Аммо бунга эришиш учун пойтахт аҳлининг орзу-ниятларига туртки бериш, одамларни шу эзгу мақсад йўлида бирлаштириб, сафарбар этиш ва бошқариш авваламбор кимнинг зиммасида бўлиши лозим? Шаҳар ҳокимиятининг зиммасида эмасми?

Биз шаҳар ҳокимияти деганда, содда қилиб айтсак, шаҳар ҳукуматини тушунамиз. Шаҳар аҳолисининг барча қувонч ва ташвишлари, муаммоларини таг-томири билан биладиган, англайдиган ва уларнинг ечимини ҳар томонлама ўзига тасаввур қиладиган идора айнан шаҳар ҳокимияти бўлиши даркор.

Бу ҳокимиятнинг асосий бурчи - пойтахтда яшайдиган қарийб икки ярим миллион одамнинг кундалик турмушига ҳамнафас, керак бўлса, ҳамдард бўлиш, уларнинг ҳаётий муаммоларини ечишга масъул бўлиб, бу вазифани ўз фаолиятининг асосий маъно-мазмуни деб билишдан иборат.

Шу ўринда бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши, ички ва ташқи сиёсат масалалари, мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш, Қуролли Кучларнинг қурилиши, энг йирик корхоналар фаолиятини ташкил этиш каби вазифаларнинг барчаси давлатимизнинг марказий идоралари зиммасида.

Бошқача айтганда, стратегик аҳамиятга эга бўлган бу масалалар бўйича масъулият ва жавобгарлик авваламбор мамлакатимиз ҳукумати ва тегишли идораларга юкланган.

Албатта, бу ишларда шаҳар ҳокимиятининг ҳам ҳиссаси бор, буни ҳеч ким инкор этолмайди. Гарчи Тошкент шаҳрида вилоятлардаги каби ғалла ёки пахта етиштириш, умуман, қишлоқ хўжалиги соҳаси билан боғлиқ ўта мураккаб вазифалар бўлмаса ҳам, лекин пойтахтимизни бошқариш, кенг кўламдаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, коммуникацияларнинг самарали фаолиятини таъминлаш - булар ҳам ғоят оғир ва масъулиятли иш эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Катта шаҳарнинг юки ҳам, ташвишлари ҳам катта бўлиши табиий. Саноат ёки капитал қурилиш бўладими, хусусийлаштириш, одамларни иш билан таъминлаш, банк-молия ёки савдо-сотиқ масалалари бўладими - бу соҳаларнинг барчасида Тошкент шаҳрининг ўзига яраша ютуқ ва камчиликлари бор.

Бироқ биз бугун асосий эътиборни ижтимоий соҳага, авваламбор, одамларни қийнаётган, уларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган асосий муаммоларга қаратсак, ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Бу масалаларда шаҳар ҳокимияти ўзининг зиммасидаги вазифаларни тўла бажариш учун, лўнда қилиб айтганда, ўз аравасини ўзи мустақил ҳолда тортиши керак. Шу нуқтаи назардан бир саволга жавоб излаб кўрайлик: аҳолининг кундалик ҳаётий эҳтиёжларига дахлдор долзарб муаммолар бугун Тошкент шаҳрида қандай ечиляпти? Бу ерда тўпланиб қолган кўплаб муаммоларни ҳал этишга шаҳар раҳбариятининг қурби, масъулияти ва жавобгарлиги етарлими?

Қўлимизни кўксимизга қўйиб, холисона айтадиган бўлсак, шаҳар ҳокимиятининг бугунги фаолиятидан бу саволларга ижобий жавоб топиш қийин.

Мисол учун, Тошкент шаҳридаги кўпқаватли уйларни бошқариш масаласини олайлик. Ушбу масала шаҳарда кўпдан буён оғир муаммо бўлиб қолмоқда.

Бу биноларни таъмирлаши ва зарур хизматлар кўрсатиши лозим бўлган уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти яқингача бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Тасаввур қилингки, баъзи ширкатлар таркибида 70 тагача кўп қаватли уй бўлган, яъни улар мутлақо бошқариб бўлмайдиган ҳолатга келиб қолган.

Бундай ширкатларнинг ҳокимият органлари, маҳалла фаоллари билан ўзаро ҳамкорлиги етарли даражада йўлга қўйилмаган. Оқибатда аҳолининг коммунал хизматлар бўйича қарздорлиги, 2005 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, 20 миллиард сўмдан ошиб кетган.

Аксарият ширкатлар томонидан аҳоли билан тузилган шартномалар бажарилмай қолиб кетаётганини қандай баҳолаш мумкин?

Ўзингиз ўйланг, агар уйида иссиқ ва совуқ сув бўлмаса ёки айтайлик, лифт ишламаса, подвалда сув тўпланиб ётган бўлса, электр ўчиб қолаверса ва бундай ҳолат сурункали тус олса, одамнинг хуноби ошмайдими?

Бугунги кунда тез-тез учраб турадиган бундай нохуш ҳолатлар аҳолининг кайфиятига, керак бўлса, ҳокимият ва ҳукумат идораларига бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди, албатта.

Олиб борилган текширишлар шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда аҳоли томонидан тўланаётган маблағнинг асосий қисми ширкат ходимларига иш ҳақи сифатида бериб келинган. Масалан, Собир Раҳимов туманидаги «Умид коммуналчи» ширкатида ойлик тушумнинг 52 фоизи бошқарув аппаратига, 47 фоизи эса техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ойлик иш ҳақига сарфланган.

Натижада уй-жойларни жорий ва капитал таъмирлаш учун маблағ топилмаган.

Масалага шундай нотўғри ёндашув туфайли шаҳар бўйича 2002-2006 йиллар мобайнида таъмирлаш мўлжалланган 1991 йилгача қурилган уйларнинг 43 фоизида бу иш бажарилмаган.

Бундай камчилик ва нуқсонларнинг сабаблари нимада?

Аввало, маҳаллий ҳокимиятлар томонидан тегишли назоратнинг йўқлигида. Яна бир сабаби - ширкатларни бошқариш вазифаси коммунал хизмат соҳасидан узоқ бўлган тасодифий кишиларга топшириб қўйилганида.

Масалан, Чилонзор туманидаги «Наврўз» ширкатининг раҳбари С.Рашидов фақат ўрта маълумотга эга бўлиб, оддий қоровулликдан дастлаб ширкат бош муҳандиси лавозимига тайинланган, кейинроқ эса ширкат раҳбари бўлиб ишлаган ва тўпланган маблағларни орқа-ўнгига қарамай мақсадсиз сарфлаб юбораверган.

Ўтказилган инвентаризация якунлари бўйича ширкат раҳбарларининг масъулиятсизлиги туфайли турар-жой ҳудудларида ва 7 мингдан ортиқ уй атрофида ноқонуний равишда қурилган 35 мингдан зиёд гараж ва бошқа объектлар борлиги аниқланди. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти юзасидан 2003 йил бўйича 24 та, 2004 йил бўйича эса 37 та жиноий иш қўзғатилгани бу соҳада ҳукм сурган нохуш аҳволни кўрсатиб турибди.

Бугунги кунда бу масала бўйича жорий йил бошида қабул қилинган Президент қарорларига биноан ширкатлар ишида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Хусусан, мавжуд 822 та ширкатнинг 428 тасида янги раҳбарлар сайланди. Ҳозирги пайтда ширкатлар таркибидаги уй-жойлар сони ихчамлаштирилиб, ҳар бир ширкатга 10-12 та уй ёки 500-600 та хонадон тўғри келмоқда. Лекин бундай ўзгаришлардан мақсад ширкат раҳбарларини номига алмаштириш ёки улар хизмат кўрсатадиган объектлар сонини камайтиришдан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Буларнинг барчаси, аввало, кўпқаватли уйлардаги одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, коммунал хизмат даражасини оширишга, охироқибатда аҳолининг оғирини енгил қилишга таъсир ўтказиши даркор.

Шаҳарнинг қон томири ҳисобланган йўлларнинг ҳолати ҳам бугунги кунда кўп жойларда талабга жавоб бермайди. Айниқса, Акмал Икромов, Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур ва Ҳамза туманларидаги аксарият йўллар транспорт қатнови учун яроқсиз ҳолга келиб қолган, баъзи ҳудудларда пиёдалар йўлаклари, ирригация тармоқлари ишдан чиққанига нима деса бўлади?

Шаҳар хонадонларида газ ўлчаш асбобларини ўрнатиш режаси атиги 70,5 фоизга бажарилгани бу муҳим масалага юзаки қаралаётганидан далолат беради. Бу соҳадаги аҳвол айниқса Юнусобод, Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманларида ёмонлигича қолмоқда.

Буларнинг барчаси коммунал соҳада ислоҳотларни амалга оширишда жиддий нуқсонлар борлигини, шаҳар ҳокимиятининг бу йўналишдаги фаолияти қониқарсиз эканини кўрсатади. Аҳолига телефон хизмати кўрсатиш бўйича ҳам Тошкент шаҳрида камчилик ва муаммолар кўплиги, албатта, одамни ўйлантирмасдан қолмайди.

Бу соҳадаги дебитор қарздорлик 2005 йилнинг 1 январигача 1,5 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 6 фоизга ошган. Таксофон аппаратини ўрнатиш режаси 24 фоизга, магистраль кабелларни капитал таъмирлаш режаси эса 57 фоизга бажарилган, холос.

Шу сабабли ишда йўл қўйган хато-камчиликлари учун Тошкент шаҳар телефон тармоқлари филиали директори ҳамда Собир Раҳимов ва Чилонзор тумани телефон станцияларининг бошлиқлари вазифасидан бўшатилди.

Аммо шу билан бўлди - муаммо ечилди, деб хотиржамликка берилиш мумкин эмас. Аҳволни яхшилаш, истеъмолчиларни рози қилиш учун аввало хизмат сифатини ошириш, бунинг учун соҳага қўшимча маблағлар, керак бўлса, хориж сармояларини жалб этиш ҳақида жиддий бош қотириш лозим.

Яна бир муҳим масала - якка тартибда фаолият юритадиган тадбиркорлар бўйича ишларнинг ҳолатини ҳам қониқарли деб бўлмайди.

Масалан, ўтган йилда режага нисбатан 2 минг 191 та кам тадбиркор рўйхатдан ўтказилган, белгиланган режа Бектемир туманида ташқари биронта туманда бажарилмаган.

Бунинг сабаби нимада?

Асосий сабаб - тадбиркорлар йўлига сунъий ғов-тўсиқлар қўйилаётганида. Тадбиркорлар учун зарур шарт-шароит яратиб бериш, уларга ер майдонлари ва объектларни қонуний асосда сотиш, жой ажратиш масаласида, савдо дўконлари, маиший хизмат шохобчаларини қурилишида кўплаб пала-партиш ишларга йўл қўйилмоқда.

Бу ишларни назорат қилиши лозим бўлган шаҳар ва туман ҳокимликларининг ўзида ошна-оғайнигарчилик, ўзбошимчалик, керак бўлса, таъмагирлик, порахўрлик ҳолатлари учраб турибди ва бу ишлар бўйича тегишли идоралар албатта ўз хулосасини чиқариши зарур.

Шаҳардаги 85 та корхона ўтган йилни қарийб 51 миллиард сўмлик зарар билан якунлаган. Ҳозирги пайтда 177 та корхонанинг ҳисоб рақамида маблағи йўқлиги сабабли иш ҳақидан қарздорлик даражаси шу йилнинг 1 апрел ҳолатига кўра 5,3 миллиард сўмни ташкил этмоқда.

Энг ёмони, бу корхоналарнинг тақдири нима бўлади, деган масала шаҳар ва туман ҳокимларини, мутасадди раҳбарларни ўйлантирмаяпти.

Бугунги куннинг долзарб масаласи бўлган аҳолини иш билан таъминлаш бўйича ҳам қатор муаммолар йиғилиб қолган. Албатта, бу борада бир қанча тадбирлар амалга оширилаётгани, хусусан, меҳнат ярмаркалари ташкил этилаётганини эътироф этиш лозим.

Лекин, минг афсуски, бу тадбирлар кутилган самарани бермаяпти. Масалан, ўтган йил давомида шаҳар бўйича ўтказилган 57 та шундай ярмаркада атиги 1 минг 714 нафар одамга йўлланма берилган, холос.

Айниқса, Бектемир, Шайхонтоҳур ва Юнусобод туманларида бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ҳозирги кунда шаҳар бўйича иш билан доимий банд бўлмаган аҳоли 47,7 минг кишини ташкил этмоқда.

Аҳвол шундай бўлатуриб, Бандлик жамғармаси ҳисобидан ўтган йил мобайнида янгитдан яратилган иш ўринлари 1 минг 264 тани, яъни эҳтиёжга нисбатан атиги 2,6 фоизни ташкил этгани, табиийки, ҳеч қандай талабга жавоб бермайди.

Тошкент шаҳрида уй-жой қурилиши соҳасида ҳам оқсоқлик кўзга ташланмоқда. Бу борадаги кўрсаткич ўтган йили 2003 йилга нисбатан 79 фоиз даражасида қолиб кетганини афсус билан қайд этиш лозим. Янги қурилаётган турар-жойлар ҳудудида тегишли ижтимоий инфратузилмаларни барпо этиш бўйича ҳам муаммолар оз эмас.

Масалан, Собир Раҳимов туманининг Мойкўрғон, Чуқурсой ва Охунбобоев мавзеларидаги турар-жойларда канализация ва коммуникация тармоқлари ўтказилмаган, спорт мажмуалари, болалар майдончалари ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилмаган.

Шайхонтоҳур туманининг Биринчи Жарариқ, Форобий мавзеларида ҳам шундай ҳолни кузатиш мумкин.

Акмал Икромов туманидаги 30-кварталда кўп йиллардан буён на йўллар, на коммунал хизматларнинг аҳволи талабга жавоб бермайди, баъзи кўпқаватли уйларда лифтларнинг ишламаслиги, электр энергиясининг мунтазам равишда ўчиши, чиқинди ва ахлатларнинг ўз вақтида ташиб кетилмаслиги сурункали тус олган ва бу аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Шаҳар бўйича ўткир юқумли касалликларга чалиниш кўрсаткичлари ортиб бораётгани соғлиқни сақлаш соҳасидаги умумий манзарани кўз олдимизда яққол намоён қилади, деб ўйлайман.

Жумладан, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан гепатит, шу билан бирга, бошқа ўткир юқумли касалликлар бўйича ҳам кўрсаткичлар салбий томонга ошгани барчамизни ташвишга солиши лозим.

«Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинган жорий йилда бундай ҳолатларга чидаб бўлмаслиги барчага аён бўлиши керак.

Қадрли дўстлар!

Тошкент шароитида маҳаллалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти қанчалик катта аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши англаймиз.

Биз мустақиллик йилларида маҳалла тизимини ривожлантириш, дунёда ўхшаши бўлмаган бу бошқарув идорасига янги-янги имконият ва ваколатлар бериш, унинг нуфузини оширишда бошқа ҳудуд ва минтақаларимиз қатори айнан Тошкент маҳаллалари тажрибасига таянганмиз.

Лекин, бугунги кунга келиб шаҳарда бу соҳада ҳам айрим камчилик ва муаммолар борлигидан, таассуфки, кўз юмиб бўлмайди.

Авваламбор, маҳаллалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масаласида, уларнинг муаммоларини ечишда маҳаллий ҳокимлик идоралари томонидан эътибор етарли эмас. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу масалада амалий ишдан кўра расмиятчилик, хўжакўрсин ишлар кўп.

Баъзи маҳалла оқсоқолларининг шахсий масъулияти, инсоний фазилатлари улар эгаллаб турган лавозимга муносиб эмаслиги ачинарлидир.

Хусусан, нафақа ва моддий ёрдам пулларини тақсимлашда адолатсизлик, таниш-билишчилик, порахўрлик ҳолатларига йўл қўйилганига нима дейиш мумкин?

Бу маҳалла деган муқаддас масканни оёқости қилиш билан баробар эмасми?

Ҳурматли депутатлар!

Тошкент шаҳри раҳбариятининг кейинги даврдаги фаолиятини таҳлил қилиб, бундай хато-нуқсонларни, ечилмаган муаммоларни кўплаб келтириш, уларнинг рўйхатини давом эттириш мумкин.

Бу масалаларнинг ечимини ўз вақтида топиш, Тошкентдек шаҳри азимда яшаётган миллионлаб одамларнинг ғаму ташвишлари, муаммоларини енгиллатиш, уларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш - бу албатта, биринчи галда шаҳар ҳокимиятида ишлаётган кадрларга, туманларда лавозимда ўтирган раҳбарларга, уларнинг масъулияти ва жавобгарлиги, билим ва тажрибаси, керак бўлса, фидойилигига боғлиқ.

Ота-бобомиздан қолган бир нақл борки, шаҳар дегани бедарвоза, эгасиз бўлмайди. Узоқ ва яқин тарихда ҳам, бугунги мураккаб замонда ҳам бунинг айни ҳақиқат эканини кўриш мумкин.

Яъни, шаҳарнинг барча ишларида тартиб-интизом, ҳар қайси вазифани изчиллик билан бажариш, қарорлар қабул қилишда аҳоли билан, маҳалла оқсоқоллари билан бамаслаҳат, бир ёқадан бош чиқариб иш тутиш, одамларни бўлаётган ўзгаришлардан доимо хабардор қилиб бориш - бу ҳозирги даврнинг энг муҳим талабларидан биридир.

Шундай талабларга жавоб бермаслик ёки уларга беписанд қараш, бу борада қандайдир яккаҳокимлик ёки ўзбошимчаликка йўл қўйиш - бугунги кунда кечириб бўлмайдиган ҳолат. Бундай номаъқул ҳолатни замон кўтармайди.

Бугун раҳбар бўлиш ўзи осон эмас. Бу - ўта мураккаб ва ўта масъулиятли иш. Бу иш раҳбарлик вазифасида ўтирган одамдан, бошқа фазилатлар қаторида, аввало ирода бақувватлиги ва иймон бутунлигини талаб қилади. Чунки раҳбар зотини доим таъқиб қиладиган бир хатар борки, унинг номини нафс балоси, дейди.

Раҳбарнинг атрофида ҳамиша парвона бўлиб юрадиган чаққон-шоввозларнинг ҳар қандай одамни ҳам ғоят усталик билан қўлга оладиган шундай маккор усуллари борки, бундай хушомадгўйликка, мақтов билан алдаб, ўраб олишга қарши турмиш ҳаммаинг ҳам қўлидан келавермайди.

Бундай пайтларда ўз нафсини тийиш, шайтон васвасасидан ва таъсиридан ўзини сақлаш, эл-юрт олдида ўз номига доғ туширмаслик, ўйлайманки, бу ҳар қандай одам учун оғир синов.

Азиз дўстлар!

Бугунги бошимиздан кечираётган ўта мураккаб замонда олдинги даврларга нисбатан раҳбарлик ва етакчилик вазифасининг кундан кунга масъулияти ошиб бораётгани ҳақида кўп гапирамиз. Ва ҳар қандай идора ва ташкилот, корхонада аввало биринчи раҳбарнинг масъулияти, аҳамияти ва моҳияти алоҳида ўрин тутишини барчамиз яхши тушунамиз.

Ўта оғир ва мураккаб масалаларни ҳал қилиш тўғри келадиган Тошкентдек шаҳарда биринчи раҳбар курсисида ўтирган инсон ўзининг худо ато этган ақл-идроки, билим ва тажрибаси, инсоний фазилатларига эга бўлиш билан бирга, етакчилик қобилиятига, яъни одамларни ўз ортидан эргаштира олишга ҳам қодир бўлиши зарур.

У кенг қамровли тайёргарлиги ва дунёқараши, шижоат ва қатъияти, керак бўлса, қаттиққўллиги, ўзи бошқарадиган ҳудуддаги барча катта-кичик раҳбар, мутахассис, фаолларни бирлаштириб, бир ёқадан бош чиқариб ишни ташкил эта олиши билан ажралиб туриши керак.

Бугун бу вазифада ўтирган Рустам Шоабдураҳмонов ҳақида гапирганда, бу инсон кўпгина давлат идоралари ва ташкилотларида ишлаб, жумладан, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирининг биринчи ўринбосари, вазир вазифасини бажарувчи, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимларида анча тажриба топиб келган раҳбар, десак, ортиқча бўлмайди.

Охирги тўрт йил давомида у шаҳар ҳаётини бошқаришда, бир қанча ижобий ўзгариш ва тадбирларни амалга оширишда ўзининг ҳиссасини қўшганини бугун эътироф этишга асосимиз бор.

Лекин охирги пайтда ҳаётнинг ўзи барча раҳбарлар олдига қўяётган талабнинг кучайиши билан унинг фаолиятидаги заиф томонлар сезилиб қолди. Бу эса шаҳарни ривожлантириш билан боғлиқ қатор масалаларда, аввало бу ерда мавжуд бўлган кўпгина муаммоларни ечишда оқсоқликка олиб келмоқда.

Р.Шоабдураҳмонов фаолиятида айниқса кенг кўламда бошланган ишларни тўла қамраб ололмаслик, уларни охирига етказиш учун изчиллик, қатъият ва талабчанлик етишмаслиги кўзга ташланмоқда, десак, ўйлайманки, сиз, ҳурматли депутатлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Бу масалада бугунги мавжуд бўлган вазиятни ва аҳволни ҳисобга олган ҳолда, Р.Шоабдураҳмонов бошқа ишга ўтказиш илтимоси билан мурожаат қилгани ҳақида сизларни хабардор этмоқчиман.

Буларнинг барчасини инобатга олиб, бугунги сессия кун тартибига қўйилган ташкилий масала бўйича - Р.Шоабдураҳмоновни Тошкент шаҳар ҳокими вазифасидан озод қилиш масаласини овозга қўйишни таклиф қиламан ва сиз, ҳурматли депутатлардан бу борада ўз муносабатингизни билдиришингизни сўрайман.

Ҳурматли депутатлар!

Тошкент шаҳрининг янги ҳокимини сайлаб олиш масаласига ўтадиган бўлсак, барчамиз яхши тушунамизки, бундай масъулиятли лавозимга муносиб номзод топиш ўта мураккаб ва оғир масала. Бу ҳақда узоқ ўйладик, бу масалани ҳар томонлама ўргандик, шаҳар жамоатчилиги вакиллари, кўпни кўрган оқсоқоллар ва фаоллар билан маслаҳатлашдик.

Билдирилган фикр ва таклифларга асосланиб, Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган Абдуқаҳҳор Тўхтаев номзодини тавсия этишга қарор қилдик. А.Тўхтаевнинг таржимаи ҳоли ҳақида сизларга - шаҳар аҳли вакилларига батафсил айтиб бериш, унинг мутахассислиги, қаерда ишни бошлаб, қаерда униб ўсгани, қандай раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилгани, унинг шахсий қобилияти ва имкониятлари ҳақида гапириш ортиқча, деб биламан.

Мен ҳам сизлар қаторингизда кўп йиллар давомида бу инсоннинг фаолиятини кузатиб келаман. Менга шахсан маъқул томонлари - авваламбор, ишнинг негизини билиши ва ҳаракатчанлиги билан бирга, унинг оддийлиги ва камтарлиги, тозалиги ва одамийлик хусусиятлари ўзига эътиборни тортади.

Ўйлайманки, сизнинг қарорингизга қўйилган бу номзодни шаҳар жамоатчилиги қўллаб-қувватлайди.

Азиз дўстлар!

Бир оддий ҳақиқатни унутмаслигингизни, бу масала доим барчангизнинг эътиборингиз марказида туришини истардим.

Ҳаммамиз яхши биламизки, раҳбар қандай ақлли ва ўткир, чуқур билим ва кенг тажрибага эга бўлмасин, таъбир жоиз бўлса, қанчалик тилла инсон бўлмасин, унинг бир ўзи ҳеч нарсага эришолмайди.

Бугун биз олдимизга қўйган мақсад ва муддаоларимизга эришиш учун туман ва маҳалла раҳбар-етакчилари, оқсоқол ва кайвонилари, шаҳар аҳли ва жамоатчилиги бу раҳбар атрофида жипслашиб, бу ерда ҳамжиҳатлик ва аҳиллик муҳитини ташкил этиши шарт. Бугун сизлар билан сайлаб-тасдиқлаб олган янги ҳоким ўз ишини энг қуйи поғонадан бошлаб, пойтахтнинг кўпгина қурилиш ва бунёдкорлик ишларида иштирок этиб, замонавий раҳбар даражасигача ўсиб-улғайган инсондир.

У юқорида зикр этилган талабларни бажаришга, яъни одамлар билан ўзаро елкадош бўлиб, баҳамжиҳат бўлиб ишлаш, соғлом муҳит яратиш, азим пойтахтимизни янада тараққий топтириш ва шу тариқа Тошкент аҳлини рози қилишга сиз, азиз депутат ва фаоллар билан биргаликда ўз ҳиссасини қўшади, деб ишонч билдиришга рухсат бергайсиз.

Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

*Ижтимоий ислоҳот жабҳаларида*

# ЖАМҒАРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ — КЕЛАЖАК ХАЗИНАСИ

***Фуқароларнинг молиявий аҳволини яхшилаш, кексалик чоғларида моддий қўллаб-қувватлаш борасида ҳукуматимиз бир қатор тадбирларни изчиллик билан амалга ошириб келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши ҳам шу нуқтаи назардан ниҳоятда аҳамиятлидир. Ушбу қонуннинг ижроси Нарпай туманида қандай таъминланаётганлиги хусусида туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи А.Мустанов ҳикоя қилади.***

Энг аввало «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонун катта ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини, узоқни кўзлаб қабул қилинганлигини англаб олишимиз керак. Унинг энг муҳим жиҳати шундаки, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот, муассасаларда ишловчи ходимларнинг жамғариладиган пенсия бадаллари бўйича тўловлари уларнинг қўлга оладиган иш ҳақи миқдорига сира таъсир қилмайди. Ишловчилар бу бадални ҳисобланган иш ҳақидан олинадиган даромад солиғи қисмидан тўлайдилар. Масалан, ходимга 40 минг сўм иш ҳақи ҳисобланадиган бўлса, бундан тахминан 6 минг сўм даромад солиғи ҳисобланади. Ҳисобланган ушбу иш ҳақидан бир фоиз миқдорида, яъни 400 сўм жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадали тўланади. Соддароқ қилиб айтганда, 400 сўм пенсия бадали даромад солиғи қисми – 6 минг сўм ҳисобида чегириб қолинади. Жамғариладиган пенсия таъминотини ташкил этиш орқали фуқароларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг моҳияти шундаки, бюджетга тушаётган даромад солиғи маблағининг муайян қисми фуқаронинг пенсия жамғармасига ўтказилади. Агар юқорида айтилган миқдордаги бадал ойма-ой тўлаб борилса, ишловчи ходимнинг жамғариладиган пенсия суммаси ўн йилда 48 минг сўмга етади. Бу миқдорнинг кўпайиши иш фаолиятининг давомийлигига боғлиқ. Бундан ташқари, жамғариб бориладиган маъмурий пенсия бюджетга қўшимча равишда ишловчи ходим ихтиёрий пенсия бадали ҳам тўлаши мумкин. Қисқаси, жамғариладиган пенсия таъминоти бугунги ўз маблағларимизнинг бир қисмини ҳозирданоқ келажак учун асраб қўйишдир.

Қонун эълон қилинганиданоқ туманимизда унинг ижросини таъминлаш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Ишловчи фуқаролар, якка тартибдаги тадбиркорлар рўйхатга олиниб, Халқ банки бўлимида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақлари очилди. Иш осон кечгани йўқ, албатта. Туманда 150 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Уларнинг 21147 нафари юридик шахс мақомига эга хўжалик юритувчи субъектларда ишлайди. Олиб борилган мақсадли тадбирлар натижасида шу йил феврал ойида 15867 ишловчи ходимга Халқ банкида жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақами очилди ва жами 1 миллион 471 минг сўм мажбурий пенсия бадали йиғилишига эришилди. Ҳозирги кунда ҳисобварағи очилган ишловчи ходимлар сони 21147 нафарга, бадал тушуми эса 4 миллион 602 минг 734 сўмга етди. Шу жумладан, фермер хўжаликларида ишловчи 2449 кишига ҳам ҳисоб варақлари очилган. Янги қонунга мувофиқ мамлакатимизда фаолият юритаётган юридик шахс мақомига эга корхона ва ташкилотларда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ҳар бир ходимнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида қатнашиши мажбурийдир. Юридик шахс мақомини олмаган деҳқон хўжаликлари аъзолари, якка тартибдаги тадбиркорлар, уй бекалари, вақтинча ишсизлар бу жараёнда ихтиёрий иштирок этадилар. Яъни, улар ўз хоҳишлари билан пенсия ҳисобварағини очадилар ва бадал тўлайдилар.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини ташкил этишнинг мана шу йўналишидаги ишлар туманда сустроқ кетаётганлигини тан олишимиз керак. Тўғри, узлуксиз олиб борилаётган тушунтириш ишларининг самараси ўлароқ, якка тартибдаги тадбиркорларнинг аксарият қисми бугунги кунда жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида қатнашишни ихтиёр этишаяпти. Бироқ, уй бекаларини, вақтинча ишламайдиганларни бу жараёнга жалб этиш қийин кечмоқда. Туман ҳокимлиги, ижтимоий таъминот бўлими, Халқ банки бўлими ходимлари билан ҳамкорликда корхоналарда, маҳаллаларда кўплаб суҳбатлар, тарғибот тадбирлари ўтказилди. Маҳаллий телевидения ва газеталарда чиқишлар қилинмоқда. Бунда мутасаддилар қонуннинг ҳар бир моддасини батафсил тушунтиришаяпти. Хусусан, жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадали маблағларига инфляция даражасидан кам бўлмаган миқдорда даромад фоизлари ҳисобланади. Бу суммадан солиқ ва бошқа тўловлар олинмайди. Фуқаро жамғарилган пенсия миқдорини исталган вақтда банк муассасаларидан билиши мумкин. Халқ банки ҳар йили бир марта жамғарилган пенсия эгасига ёзма маълумот етказиши шарт.

Жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадали тўлаш, ҳисоб варағи очиш билан боғлиқ сусткашликнинг объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Чунки доимий даромад манбаига эга бўлмаган, яъни ишламайдиган кишилар қўлига тушган пулни бугуннинг ўзидаёқ рўзғорга сарфлашади. Бошқа томондан эса янгиликнинг афзаллигини тўлиқ англаб етишмаган.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**





Республикамизда кўплаб қўшма корхоналар муваффақият билан фаолият юритмоқда. «Туркистон-С-РОСС-Фахри» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ҳам ана шулар жумласидандир. Айни пайтда корхонада мармелад, шоколад, вафли каби 28 турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилаяпти.

**Суратларда: қўшма корхонанинг илғор ишчилари Дилшода Эгамбердиева ва Муяссар Абдуллаева; қандолат маҳсулотлари.**

**Муҳаммад КАРИМ олган суратлар**

*Ислоҳот мевалари*

# ОИЛАВИЙ ПУДРАТ ҚУДРАТИ

***С.Сегизбоев номли ширкат хўжалиги Оққўрғон туманидаги энг етакчи жамоалардан. Хўжалик меҳнаткашлари бугунги кунда 3464 гектар ерда деҳқончилик қилишаётир. Шундан 1864 гектарини пахта, 1115 гектарини ғалла майдонлари ташкил этади. Аъзоларнинг бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётгани, энг муҳими, ишга оқилона ёндошилгани муваффақиятлар гарови бўлмоқда.***

Мана бир неча йилдирки, хўжаликда пудрат усулида иш олиб бориляпти. Айни пайтда бу ерда 24 та бош пудратчи, 153 та оилавий пудратчи фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ҳар бирига ўртача 15 гектардан ер тўғри келяпти. Хўжаликда чорвачилик фермаси ҳам мавжуд. 70 нафардан ортиқ киши меҳнат қилаётган мазкур фермада 600 бош зотли қорамол меҳр билан парваришланяпти. Бундан ташқари, ширкатда халқ хўжалиги учун муҳим хомашё бўлган пилла етиштирилмоқда. Масалан, бултурги мавсумда 5,2 тонна ўрнига 6,9 тонна «кумуш тола» тайёрланди.

Сир эмаски, қаерда ишловчининг меҳнати қадрланса, ўша жойда унум ва барака бўлади. Буни ўз вақтида тушунган хўжалик бошқаруви ва касаба уюшма қўмитаси жамоа шартномаси шартларининг ўз вақтида адо этилишини таъминламоқда. Ишловчилар меҳнати кўнгилдагидек рағбатлантириляпти. Ўтган йили режадан ортган 132 тонна буғдой ишловчиларга мукофот сифатида тарқатилди. Топширилган пилла учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинди. Пахтачиликда хўжалик аъзолари жами бўлиб 35 миллион сўм иш ҳақи олишди. Ишловчиларнинг имкониятига қараб такрорий экин экиш учун 20 сотихдан ер берилди.

Хўжаликда айни пайтда 1,5 минг нафарга яқин ишловчи иш билан банд. Уларнинг унумли меҳнатдан сўнг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун шароит ҳозирланган. Меҳнаткашларнинг саломатлигини янада яхшилаш мақсадида хўжаликнинг аввалги идораси ҚВПга айлантирилди. Натижада ишловчилар тиббий кўрикдан мунтазам ўтиб туришлари таъминланди.

Ҳудудда 7 та маҳалла мавжуд. Уларда 6,5 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллалар тўла ичимлик суви билан таъминланган. Табиий газ билан тўлиқ таъминлаш йўлида саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти.

Хўжалик аъзолари жорий йил деҳқончилик мавсумига пухта тайёргарлик кўрилди. Таъмирлаш юмушлари билан банд бўлган созловчиларга бепул иссиқ овқат ташкил этилиб, бунга хўжалик ҳисобидан 400 минг сўм маблағ ажратилди. Буғдой экадиган сеялкаларни таъмирлаш билан банд бўлган ходимлар учун ҳам 250 минг сўм маблағ сарфланди.

Меҳнаткашларнинг соғлиғини муҳофазалашга ҳам эътибор кучли. Масалан, ўтган мавсумда 15 нафар ишловчи вилоят марказий шифохонасида даволаниб қайтди. Бунга 1,5 миллион сўм маблағ хўжалик ҳисобидан ажратилди. 4 нафар киши «Ботаника», «Умид гулшани» сиҳатгоҳларида дам олди. Ҳудудда 5 та таълим маскани мавжуд бўлиб, уларни таъмирлаш ишлари тўлиқ хўжалик ҳомийлигида бажарилади. 30-, 31-мактабларда таълим олаётган кам таъминланган оила фарзандлари учун ўқув жиҳозлари ва дарслик сотиб олиш учун 160 минг сўм маблағ ўтказиб берилди.

**О.ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# НАВБАТДАГИ КУЗАТУВ

Давлатимиз раҳбарининг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жойларда йигитларни ҳарбий хизматга кузатиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси чақирув-йиғин пунктига тўпланган ҳарбийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, ота-оналар эллик уч нафар йигитни ҳарбий хизматга кузатиб қўйди.

Маросимда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ходими Б.Бердишев, Шимолий-ғарбий ҳарбий округи бўлим бошлиғи, подполковник Т.Муҳаммадалиев, уруш ва меҳнат фахрийси Ж.Сайимбетов ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтириш, профессионал армияни шакллантириш борасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар хусусида гапирди.

- Машқларда чиниққан, чапдаст аскарларга ҳавас қилар эдим. Мана, орзуларим ушалди, - дейди К.Шомуратов. - Ота-онам ва дўст-ёрларимнинг юзини ерга қаратмай, тенгқурларим қатори ҳарбий хизматни аъло даражада ўташга ҳаракат қиламан.

- Шукурки, ўғилларимнинг ҳаммаси йигитлик бурчини адо этди, - дейди фарзандини армия сафига кузатаётган К.Бекжонов. - Бугун кенжатойимни жўнатяпман. Ҳарбийлар борки, юртимиз тинч, уйқумиз ҳаловатли.

Нукус шаҳар маданият уйи санъаткорлари ижросидаги концерт дастури кузатув маросимига ўзгача шукуҳ бағишлади.

**(ЎзА)**


**ОАО «Ташкентский завод Компрессор» извещает о проведении Общего собрания акционеров по итогам 2004 года 26мая 2005 года в 16-00 по адресу:**

**г.Ташкент,ул.Уста-Ширин, 116**
**Начало регистрации с 15-00 час.**

**ПОВЕСТКА ДНЯ:**

1.Отчет Правления об итогах финансово-хозяйственной деятельности за 2004г. О Бизнес-плане на 2005 год.
2.Утверждение акта ревизионной комиссии за 2004 год.
3. Утверждение заключения аудитора за 2004 год.
4. Утверждение бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков.
5. Утверждение отчета по ценным бумагам.
6.О продлении (досрочном прекращении) полномочий Правления.
7.Отчет Наблюдательного совета за 2004 год.
8. О продлении (досрочном прекращении) полномочий Наблюдательного совета.
9.Переизбрании состава Наблюдательного совета.
10.О проведении аудиторской проверки по итогам 2005 года, определение аудиторской организации и предельного размера оплаты ее услуг.

**БАЛАНС ЗА 2004 ГОД**

| Наименование статей | Актив | Пассив |
|---|---|---|
| Основные средства и капитальные вложения | 873892 | |
| Оборотные активы | 375635 | |
| Всего по активу | 1249527 | |
| Уставный капитал | | 376974 |
| Резервный капитал | | 801863 |
| Добавленный капитал | | 42822 |
| Целевые поступления | | 104602 |
| Обязательства | | 158579 |
| Нераспределенная прибыль | | -235313 |
| **Всего по пассиву** | | **1249527** |

**Аудиторскую проверку провела АК «SHARQ-AUDIT-SERVIS», лицензия Министерства финансов №00404 от 26.02.2002 года**

**Наблюдательный совет**


# ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ

***Ҳозирги кунда мамлакатимизда йўловчи ташишга ихтисослаштирилган автотранспорт корхоналари қатори шахсий йўловчи ташувчилар уюшмалари ҳам одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилишмоқда. Ана шундай автоуюшмалардан бири Янгийўл шаҳридаги «Автомобилчи-С» масъулияти чекланган жамиятидир.***

Айни пайтда уюшманинг юздан зиёд автоуловлари шаҳардаги 8 та йўналишда йўловчиларга арзон нархларда хизмат кўрсатмоқда.

Яқинда жамоа хайрли ишга қўл урди. Шаҳар ҳокимияти билан келишилган ҳолда 1941-45 йиллардаги уруш қатнашчилари, фронт ортида хизмат қилганлар, ногиронлар ва кам таъминланган оилалардан 100 кишига йўлда бепул юриш гувоҳномалари топширилди. Кексалар бу ғамхўрликдан қувониб, жамият раҳбариятига чин дилдан миннатдорчилик изҳор этдилар. Олтин олма, дуо ол қабилида иш юритаётган уюшмада, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини кенг авж олдириш, янги-янги хизмат турларини кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш борасида ҳам бир қанча ишлар қилинмоқда.



*Қарор ва ижро*

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА
# КОМИССИЯЛАР
## ФАОЛИЯТИДАН

***Мамлакатимизда биз ёшларнинг униб-ўсишимиз, юртга муносиб ўғил-қизлар бўлиб улғайишимизга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, ҳукуматимиз томонидан қатор қарорлар қабул қилинганки, улар ёш авлоднинг билим олишини, ўзи ёқтирган касбнинг устаси бўлиб етишишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди. Шундай ҳужжатлардан бири вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги қарордир.***

Вилоятимиздаги маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари, ёшлар тарбиясига дахлдор бошқа ташкилотлар, хусусан, мактаблар, қишлоқ фуқаролик йиғинлари, маҳаллалар учун мазкур ҳужжат дастуриламал бўлиб қолди. Ҳуқуқ-тартибот маҳкамалари боши берк кўчага кириб қолган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ўсмирларни ўз назоратига, ҳомийлигига олди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ўсмирлар рўйхатга олинди. Ногирон болаларга кафолатланган тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Мактаб-интернатлар, меҳрибонлик уйларининг моддий-техник аҳволини тубдан яхшилашга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу мақсадлар учун ўтган йилнинг ўзида 450 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Бундан ташқари, ҳуқуқбузарликка мойил бўлган болалар хулқи устидан назорат қилувчи жамоатчилик гуруҳлари ташкил этилди. Ёшларни иш билан таъминлаш ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида «Уста шогирд», «Маҳалла ҳамшираси» дастур лойиҳаси ишлаб чиқилди. Улар халқаро ташкилотлар томонидан молиялаштирилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, халқ таълими ҳамда ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими билан ҳамкорликда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтишини таъминлаш, уларни оммавий спортга жалб этиш, ҳуқуқий тарғиботни кучайтириш мақсадида Андижон шаҳрида «Вояга етмаган ёшлар маркази» ташкил этилди. Ушбу масканга келаётган аксарият болаларнинг нигоҳида умид, ишонч, мамнуният балқиб турибди. Ўндан ортиқ ҳунарларни ўзлаштириш, фойдали машғулотлар билан банд бўлиш учун очилган марказда ҳаёт қайнайди.

– Мен Гулираъно Аҳмедова бўламан, – дея ўзини таништирди эндигина 10 ёшга қадам қўйган қизалоқ қўлидаги сумкасини бағрига босганча. – Бу ерга тўрт ойдан буён қатнаяпман. Чеварликка қизиқаман. Устозимиз Манзура опа Умрзоқованинг кўмаги, талабчанлиги боис ҳозирги кунда қизчалар куйлаги, кийимбошлар тикишни ўрганаяпман.

Дарҳақиқат, Андижон шаҳар ИИБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш гуруҳи қошида очилган ижодий марказда 25 дан ортиқ тўгарак ишлаб турибди. Дурадгорлик, зардўзлик, чеварлик, тўқувчилик, самолётсозлик, элита парда тикиш, юмшоқ ўйинчоқлар тайёрлаш каби ҳунарларни ўрганиш учун ёшлар ошиқиб, орзиқиб бу ерга келмоқдалар. Замонавий компьютер ва техникалардан фойдаланиш, уларни таъмирлаш, мусиқа асбобларини чалишни ўрганиш, миллий хореография ёшларнинг севимли машғулотига айланган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мактаб жамоалари билан ҳамкорликда ўқимай ва ишламай юрган ўсмирлар аниқланмоқда. Ўтказилаётган меҳнат бозорларида вояга етмаганларнинг лаёқатига қараб иш таклиф этиляпти. Ҳозирга қадар 2 минг нафардан ортиқ ўсмир ўзининг муқим иш жойига эга бўлди. Бу каби тадбирлар ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг кескин камайишига олиб келмоқда.

Кейинги пайтда жойлардаги меҳрибонлик уйларининг аҳволини яхшилаш, моддий-техник ҳолатини мустаҳкамлашга қаратилган қатор ишларга қўл урилди. Чунончи, Андижон шаҳридаги 2-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг яшаш шароитлари атрофлича ўрганиб чиқилгач, бино тўла таъмирланди. Янги ҳаммом қурилди. Юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминланди. Кутубхона ўқув қўлланмаларидан ташқари ранг-баранг бадиий адабиётлар билан бойитилди. Бундан ташқари, уйларидан қатнаётган тарбияланувчилардан 18 нафарига транспорт воситаларидан бепул фойдаланишлари учун ойлик чипта берилди. 400 минг сўмлик дори-дармон келтирилди.

Қўрғонтепа туманидаги «Мурувват уйи» 1964 йилда ташкил топган бўлиб, 280 ўринга мослашган. Айни вақтда бу ерда 268 нафар ҳам ақлий, ҳам жисмоний ногирон ёшлар яшаб, даволанмоқда. 178 нафар ходим уларнинг саломатлиги йўлида тиним билмай хизмат қилаётир. 4 гектар майдонни ўз ичига олган ушбу масканда ёрдамчи хўжалик мавжуд. У ерда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги ва чорва маҳсулотлари шу ерда тарбияланувчи ёшларнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, саломатликларини тиклаш йўлида сарфланмоқда. Бундан ташқари, ҳомий ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган ёрдамлар туфайли ётоқхона, ошхона, тиббиёт хоналари қайта таъмирланди.

«Мурувват уйи»да яшаётган ёшларнинг аксарияти ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва қариндошлар билан никоҳ қуриш каби иллатлар мевасидир. Улар ҳар томонлама эътиборга муҳтож. 40 нафар тарбияланувчи эса мутлақо ҳаракатсиз ҳолатдадир. Уларни вақтида овқатлантириш, кийим-кечакларини алмаштириш, чўмилтириш, тиббий назоратдан ўтказиш, тоза ҳавода айлантириш тарбиячилардан катта меҳнатни талаб этади. Бу ерда инсоний фазилатларга эга бўлган кишиларгина хизмат қила олади. Обидахон Мўйдинова, Отикахон Холматова, Шоҳринисо Хўжамбердиева, Тожихон Мирзаева каби тарбиячилар шулар жумласидандир. 2 нафар шифокор ва 14 нафар тиббиёт ҳамшираси тарбияланувчиларнинг саломатликларини мунтазам назорат қилиб борадилар.

**Н.ТОЛИПОВА,**
**Андижон Давлат университети ҳуқуқшунослик факультети талабаси**


**«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**акциядорларининг умумий йиғилиши 2005 йил 27 апрел куни соат 11.00 да Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 мавзеси, М.Ўразбоев кўчаси, 1 «А» уй манзилидаги РКМБ биносининг 4 қаватидаги катта мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.**
**РКМБ ЁАЖ акциядорлари реестри 2005 йил 25 апрелда ёпилади.**

**Кун тартиби**

1.РКМБнинг 2004 йилдаги молиявий хўжалик фаолияти якунлари ва 2005 йилдаги вазифалари тўғрисидаги ҳисоботи.
2.Бухгалтерия балансини тасдиқлаш.
3.РКМБ ЁАЖнинг 2004 йилдаги соф фойдасини тақсимлаш, дивидендларни тўлаш тартибини ва муддатини аниқлаш.
4.Бошқарув органи янги таркибини сайлаш.
5.Бошқа масалалар.

**Телефонлар: 136 15 28, 136 26 26**
**Факс: 136 06 17**

**Кузатув кенгаш**

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ

## Республикамизнинг ноёб табиий иқлими, маъданли сувлари ва барча даволаш

Қорақалпоғистон Республикасида:
**«ГУЛПАРШИН» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик касалликлар.
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниш мумкин

**«АЙДОС ҚАЛА» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, таянч-ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари

Тошкент шаҳрида:
**ОАЖ «ТУРОН» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар

**ОАЖ «ЧИНОБОД» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Ҳазм аъзолари, қандли диабет ва гинекологик касалликлар

Хоразм вилоятида:
**«ХОНҚА» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб тизими, таянч-ҳаракат аъзолари, гинекологик ва тери касалликлари

Тошкент вилоятида:
**«БОТАНИКА» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб (марказий ва периферик) тизими ва ҳазм аъзолари касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

**«БЎСТОН» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар

**«УМИД ГУЛШАНИ» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Гинекологик ва андрологик касалликлар

**«ОҚТОШ» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

Самарқанд вилоятида:
**«АБУ АЛИ ИБН СИНО» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиш, таянч-ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин




**Даволаниш муддати – 18 кун**

**БИЗНИНГ ЙЎЛЛАНМАЛАРИМИЗ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭНГ АРЗОН ЙЎЛЛАНМАЛАРДИР!**

# КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

**омилларига эга бўлган санаторий ҳамда курорт муассасаларига таклиф этади**

Андижон вилоятида:
**МЧЖ «МАРҲАМАТ» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб ва сурункали тери касалликлари

Бухоро шаҳрида:
**«СИТОРАИ МОҲИ ХОСА» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Буйрак касалликлари (ёз фаслида), таянч-ҳаракат ва асаб тизими, ҳазм аъзолари ва андрологик касалликлар

Жиззах вилоятида:
**«ЗОМИН» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Нафас аъзолари (сил касалликларидан ташқари) ва асаб тизими касалликлари

Фарғона вилоятида:
**МЧЖ «ЧИМЁН» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиш, таянч-ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликлар
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

Қашқадарё вилоятида:
**«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак қон-томир, асаб тизими, таянч-ҳаракат ва ҳазм аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар

**МЧЖ «МИРОҚИ» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Асаб (марказий ва периферик) тизими ва қон айланиш аъзолари касалликлар
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

Наманган вилоятида:
**МЧЖ «ЧОРТОҚ» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиш, таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

**МЧЖ «КОСОНСОЙ» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак қон-томир, таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари ва асаб тизими касалликлари

**МЧЖ «НИҲОЛ» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, ўт пуфаги ва буйрак тош касалликлари



*Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нархида сотилади. Шу билан бирга курортлар бошқармаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек, ҳамдўстлик мамлакатлари курортларига йўлланмалар олишингизда ёрдам беради. Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.*

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 24-уй. Мурожаат учун телефонлар 56-85-68, 56-70-97.

*Ташаббус*

***Ўзбекистон халқ таълими вазирлигининг 2005 йил 3 февралдаги «Мактаб-кутубхона-ойла-жамоат ташкилотлари» хайрия тадбирини ўтказиш тўғрисидаги буйруғига биноан китоб марафони давом этмоқда.***

## ҲОМИЙЛАР ҲИСОБИДАН

### мактаб кутубхонасига бадиий адабиётлар

Жиззах вилоятидаги барча умумий ўрта таълим мактабларида бу жараён намунали олиб борилмоқда. Айниқса, Дўстлик туманида олиб борилаётган ишлар мақтовга сазовордир. Мурод Абдувосиев номли агрохизмат маркази ҳудудида фаолият юритаётган бешта фермер хўжалиги Нодира номли 10-мактаб кутубхонаси учун бир миллион сўмлик бадиий адабиётлар олиб бериш ташаббуси билан чиқди. Айни пайтда нашриётларга маблағ ўтказилиб, бадиий адабиётлар келтирила бошланди.

Хайрия тадбирларига тумандаги ташкилот, фермер хўжаликлари раҳбарлари, ота-оналар, кенг жамоатчилик жалб қилиниб, тушган маблағ эвазига мактаблар кутубхона фондига лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида чоп этилган бадиий адабиётлар сотиб олиняпти. Жумладан, 17-мактабга 67 минг, 14-мактабга 65 минг, 9-мактабга 45 минг, 19-мактаб кутубхонасига 21 минг, 12-мактабга 19 минг 590 сўмлик бадиий адабиётлар харид қилинди. Умуман май ойигача бўлиб ўтадиган хайрия китоб марафонининг дастлабки ойида вилоят бўйича 5 миллион сўмлик маблағ тўпланиб, Ғ.Ғулом номли нашриёт ҳисоб рақамига ўтказилди. Шунингдек, ташкилот, кенг жамоатчилик, ота-оналар, тадбиркорлар ҳомийлигида 1,5 миллион сўмлик дарсликлар харид қилинди.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



## ДЕНГИЗ ГИРДОБИ

Огасавара ороли яқинидаги улкан денгиз гирдоби япон олимлари диққатини ўзига тортди. Тинч океанининг ана шу номи чиққан ҳудудида жуда кўп кемалар сирли равишда ном-нишонсиз йўқолиб кетган. 1977 йили Киото университетининг текширувчи гуруҳ аъзолари Огасаварадан тўрт юз километр шарқда илмий кузатув олиб бораётганларида кучли денгиз оқимига дуч келишди.

Узоқ изланишлардан сўнг олимлар бу жойда радиуси юз километрли улкан гирдоб бор деган қарорга келишди. У минг метр чуқурликдан деярли сув юзасига қадар кўтариларкан. Гирдобнинг ҳаракати жуда ғалати - тахминан ҳар юз кунда сувнинг айланма йўналиши қарама-қарши томонга ўзгариб туради. Мутахассисларнинг фикрича, бу ҳодисанинг механизми шамол, ҳарорат ва бошқа омиллар таъсирида вужудга келадиган денгиз тўлқини структурасидан тамоман ўзгача.

Улкан гирдобнинг пайдо бўлишига сабаб, эҳтимол сув массаси зичлигининг турлича тақсимланганлигидадир, деб тахмин қилинмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, гирдоб табиатини ўрганиш денгизнинг баъзи сирларини очиш билан биргаликда Япония оролларидаги об-ҳавони олдиндан аниқлашга ҳам ёрдам беради.

**Н.САЪДУЛЛАЕВА**

***Инсон қалбида маънавият ва маърифатга қизиқиш ёшликдан шаклланади. Қорақалпоғистоннинг Қораўзак туманидаги болалар санъат мактабида иқтидорли ўғил-қизларни халқ оғзаки ижоди ва миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган.***

*Санъат*

## БАРМОҚЛАР СЕҲРИ

Жажжи болакайлар соз чалишяпти. Халқимизнинг қадимий чолғу асбоби-дутордан янграётган куйни тинглар экансиз, ёшлар маҳоратига тан берасиз. Сирли бармоқлар сеҳри сизни ўзига ром этади.

«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, иқтидорли бастакор Қувватбой Утегенов раҳбарлик қилаётган илм масканида таълим-тарбия, маданий-маърифий ишлар яхши йўлга қўйилган. Оролбўйининг олис овулларидан келиб сабоқ олаётган 140 нафар ўқувчига мусиқа олами сирлари пухта ўргатиляпти. Ёшлар учун фольклор, халқ чолғу асбоблари, эстрада, фортепиано йўналишлари бўйича машғулотлар олиб бориляпти. Назарий билимлар амалда мустаҳкамланяпти.

Мактабнинг ўнлаб собиқ ўқувчилари айни пайтда Нукус санъат ва маданият коллежлари, Тошкентдаги олий ва ўрта махсус юртларининг талабаларидир. З.Қалимбетова, Ж.Ўтепова, Г.Жумабоева, М.Жаҳсимуродова, Л.Бекбусиновалар Жапақ Шомуродов номли санъат коллежида таълим олишаяпти.

– Шогирдлар камоли – устоз бахти, – дейди мактаб директори Қ.Утегенов. – Туман илм масканларида бўлиб, энг талантли ва иқтидорли ўсмирларни танлаб ўқишга оламиз.

Ижод ва санъат масканида ёшларнинг пухта билим олишлари учун ҳамма шароитлар бор. Мусиқа асбоблари етарли. Ўқувчилар ижодий беллашувларда фаол қатнашиб, совринли ўринларни эгаллашган. Масалан, «Дуторчи қизлар» кўрик-танловида Рита Дарибоева бир неча бор биринчи ўринни эгаллаган. Ҳозирги кунда ёш истеъдод соҳибаси ўзи ўқиган мактабида ёшларга сабоқ беряпти. Аълочи ўқувчи Ширин Утегенова эса бахши қизлар республика танловининг ғолиби бўлди. Манзура Элмуратова, Улбўлсин Ўринбоева каби хушовоз бахши қизларнинг довруғи бутун Оролбўйига таралган.

Санъат миллат ҳаёти. Азалдан халқ чолғу асбоблари ва лапарлари шайдоси бўлган қорақалпоқ халқининг куйлари унинг тарихи ва қадриятлари каби боқийдир.

.... Синфхоналардан дутор овози янграйди. Чарчоқ билмас бармоқлар чалаётган қадимий куй сизни бир зумда сеҳрлайди.

**ЁЛҚИН**

## Биласизми?

Дунёдаги илк кроссворд жанубий африкалик Виктор Орвил томонидан ...қамоқда яратилган. Суд Орвилни транспорт фалокати содир этишда айбдор деб топиб, 3 йиллик муддатга озодликдан маҳрум қилганди.

Жазони ўташ жойида зерикиб кетган маҳбус қоғозга тўртбурчаклар чизиб, ичини ҳарфлар билан тўлдириб ўтирарди. Қараса, бинойидек юмуш! Орвил ўз «ижод маҳсули»ни маҳаллий газеталардан бирига почта орқали жўнатди. Зўрға кунини кўриб юрган газета кроссворд ўйинини ўз саҳифаларида чоп этгач, кутилмаганда савдоси юришиб кетди: катта-катта тиражларда сотила бошланди. Дунёнинг турли бурчакларидан Викторнинг номига ҳамкорлик иштиёқида бўлган газеталарнинг илтимосномалари қуюлиб кела бошлади. Орвил жазо муддатини ўтаб бўлиб қамоқдан чиққанида, марказий банклардан бирида ҳисоб рақамида катта миқдорда пули бор эди.




## АЙЛАНМА КРОССВОРД

***Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1.Республикамиздаги вилоят. 2.Безиён, талофотсиз. 3.Ҳиндистондаги шаҳарга номдош шойи газлама. 4. «Шошмақом» нашри муаллифи, академик санъаткор. 5.Ҳарбий бошлиқ, қўмондон. 6.Бароқ думли ўрмон кемирувчиси. 7.Маҳаллий бинонинг юқори қавати. 8.Мустақиллик, озодлик. 9.Чорвачилик соҳаси. 10.Игна баргли, доим яшил тик ўсувчи дарахт. 11.Иссиқ ва қуруқ шамол. 12.Миллий ипак газлама тури. 13.Киши юрса адашиб қоладиган айланма йўл. 14.Баҳорнинг илк гули. 15.Ҳафта куни. 16.Бутунлай, тўлиқ. 17.Кўп истеъмол қилинадиган сабзавот. 18.Маълум мослама юзасидан томонлар ўртасидаги тузилган ёзма битим. 19.Шижоат, довюраклиги билан шуҳрат қозонган инсон. 20.Кўчалар кесишган жой. 21.Кўркам, сержило иморат. 22.Гўзаллик, кўрк. 23.Билим синаш тадбири. 24.Исботсиз қабул қилинадиган ҳол, ҳақиқат. 25.Чумчуқсимонлар оиласига мансуб сайроқи, митти қуш.***

**Фозилжон ОРИПОВ**
**тузди**

*Юз билан юзлашганлар*

## ЧУСТЛИК ОПОҒОЙИЛАР

***Чуст Ўзбекистонимизнинг табиат ардоқлаган сўлим гўшаларидан. Қаёққа қараманг, гоҳ олис, гоҳо эса яқинроқдан тоғлар кўринади. Ҳавоси ғоят мусаффо. Шу боисданми бу ерда узоқ умр кўрувчилар кўп...***

Яқинда шу мавзуда гап кетганда кимдир Япония юз ёшлилар кўплиги жиҳатидан дунёда олдинги ўринда туришини гапириб қолди.

– Япония олисдаги мамлакат, яқинроқдан гаплаша қолайлик, – деди шунда чустлик Тожиддин Иномов. – Масалан, бизнинг туманимизнинг ўзидаям юз билан юзлашган опоғдада-опоғойилар сероб. Шаҳардаям йигирма-ўттиз нафари яшайди. Тоғ бағридаги Олмос, Ғова қишлоқларимизда-ку ҳар маҳаллада топилади.

Тожиддиннинг шу гапи сабаб бўлди-ю, бир сафар туманга йўлим тушганида ана шундай табаррук инсонлардан бири билан учраштиришни илтимос қилдим.

Мана, Пансада маҳалласидамиз. Кўп асрлик тарихга эга бўлган шаҳарда қадимий маҳаллалар анчагина. Биз ташриф буюрган маҳалла ана шулардан бири экан. Минг турли қушлар чуғурлашаётган қайрағоч, осмонга беармон қулоч ёзган чинор, гоҳ у, гоҳ бу хонадон эшиги ёнида қад кериб турган тут ва бошқа қадимий дарахтлар ҳақиқатан маҳалла пайдо бўлгани бир неча асрлар билан ўлчанишини ҳикоя қилиб тургандек эди. Бу ерда, шунингдек, айрим иморатларнинг ёғоч безаклари ҳам ҳозирги меъморчилигимизда учрамайди. Ана шундай хонадонлардан бирида истиқомат қилаётган ва аллақачон юз ёш билан юзлашган Шарофатхон буви Қурбоновани зиёрат қилдик. Уйдагиларнинг гувоҳлик беришича, онахон аллақачон бир асрлик маррани сакраб ўтган, аммо ўзларидан сўрасангиз, буни очиқ айтмайдилар, «анча ёшга кириб қолдим», дея қўл силтайдилар. ( Юз ёшдан ошганларда ўзларининг ҳақиқий ёшларини яшириш удуми бор).

– Ҳўп замонларни бошдан кечирдик, – ҳикоя қилади онахон. – Кўп бор очарчилик кўрдик, йўқчиликни бошдан ўтказдик, бир бурда нонни кўзимизга суртиб еганларимиз бўлди. Айниқса, уруш йилларида кўп азобларга дучор келдик. Эркаклар ҳарбийга кетишган. Тонг саҳардан қоронғи тушгунча маҳалламизга туташ хўжаликда ишлардик. Эвазига тушликда биттадан арпа ёки курмак нон, қайтишимизда, кун ботаётганида бир чўмичдан ёвғон беришарди. Биз тушликдаги ноннинг ярмига қаноат қилиб ёвғонни қовоққа (шу номда ўсадиган ва учини ўйиб ясаб олинган қўлбола идиш) қуйиб уйга, болаларимизга олиб келардик. Меҳнатимиз эвазига бошқа ҳеч нарса олмасдик.

– Ахир, ўзингиз айтдингиз, ўшанда уч нафар болангиз бўлган экан. Яримта нон ва бир чўмич ёвғон билан уларни боқиб бўлмайди-ку!

– Рост гапиряпсиз, болам, – онахон саволимга зийраклик билан жавоб қайтарди. – Даладан қайтиб келгач оёқни узатиб дам олиб ётган экансизлар-да, деб ўйлаган бўлсангиз, хато қиляпсиз. Дам олиш қаёқда дейсиз, ҳатто ҳозир ҳам қимирлаганим-қимирлаган. Молга ўт соламан, қўйга қарайман, товуққа дон сепаман. Гоҳ ҳовли ивирсиб қолса, жаҳлим чиқиб қўлимга супирги ушласам, набираммми, эвараммми биронтаси келиб қўлимдан тортиб олиб ишга тушиб кетади. У маҳалларда бўлса керосин топсак шамчироғда, топмасак ой ёруғида рўзғорнинг ташвишини қилганмиз.Тун бўйи дўппи тикканмиз, камзул тикканмиз, ўзига тўқроқ одамларнинг кўрпаларини қавиб берганмиз. Хуллас, болаларимизни оч қолдирмаслик учун нимаики зарур бўлса, ҳаммасини қилганмиз.

Гапдан гап чиқиб онахондан узоқ яшаш сирини суриштирдик.

– Мен унақа сир-пирни тушунмайман, – дея жилмайиб жавоб қайтарди онахон. – Энг аввало, бу Худонинг берган умри. Аммо инсоннинг дили тоза, тили ширин, нияти пок бўлса, узоқ яшайди. Янаям муҳим томони одам боласи меҳнатдан қолмасин, меҳнат қилиб толмасин. Ҳаракатда баракат, деганларидек, ҳаракат қилиб юрган кишига Оллоҳ умр беради. Тағин ҳалол, покиза, нияти пок бўлсин. Мен доим болаларга уқтираман: ҳеч-ҳеч бировга ёмонликни раво кўрмагин. Ўшанда умринг ҳам узаяди, ҳаётинг ҳам сермазмун кечади, ишинг ҳам юришади.

Биз Шарофат момо насиҳатларини дилимизга жойлаб хайрлашдик.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

### БЕОЗОР ИЛОНЛАР

Мексикалик болаларнинг кўпчилиги илон билан ўйнашни хуш кўришади. Мамлакат шимолида заҳарсиз, ўтхўр илонлар яшайди. Бу илонларнинг ташқи кўриниши ҳам жуда ажойиб - ҳамма ёғи жун билан қопланган.

### СЕРФАРЗАНД АЁЛ

Аргентинада туғилиб, кейинчалик Чили фуқаролигини қабул қилган Леонтина Эспиноса де Касерес ер юзидаги энг серфарзанд она сифатида тан олинган ва "Гиннеснинг рекордлар китоби"дан ўрин олган. 59 ёшида 74-фарзандига ҳомиладор бўлган Леонтина 1944 йили Херрда Касересга турмушга чиққан.

У 11 марта учтадан, 12 марта эгизак ва 16 марта биттадан фарзанд кўрган.

### ЧУМОЛИЛАР МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИ

Дарахтларни кемирадиган зараркунанда куртларнинг чинакам кушандаси чумолилардир. Битта чумоли оиласи бир ой давомида миллиондан зиёд куртга қирон келтиради. Бу бутун бошли офофат қўшинни даф этиш, демакдир. Шунинг учун бир неча йил бурун Шарқий Олмонияда чумолилар ва уларнинг уялари қонун йўли билан муҳофаза қилина бошланди. Бу ташаббус сўнгги йилларда Италия ва Франция мамлакатларида ҳам кулоч ёйди.

### ШИРИНЛИКДА ҚАНДДАН ЎТАДИ

Гвинея, Конго, Суданда ўсадиган монелина деб номланувчи дарахтнинг қипқизил, худди узумга ўхшаб кетадиган меваси қанддан 300 марта ширин эканлиги олимлар томонидан исботланди.

### ЯДРО ҚУРОЛИГА БЕПИСАНД ЧАЁНЛАР

Саҳрои Кабирда ўтказилган ядро синови пайтида радиоактив қолдиқларнинг саҳро чаёнларига ҳеч қандай таъсир қилмаслиги маълум бўлди. Ваҳоланки, 600 рентген одамнинг ҳалок бўлиши учун кифоя. Чаёнлар эса 80 минг рентгенда ҳам ўзларини яхши ҳис этдилар. Бир неча кундан кейин уларнинг 150 минг рентгенга ҳам бардош берганлиги аниқланди. Ерда чамаси 150 миллион йил аввал пайдо бўлган чаёнларнинг иммунитет сири ҳамон аниқланганича йўқ.

*Бу-қизиқ*

### НОМИ ҚИСҚА ШАҲАРЛАР

Жаҳонда энг қисқа номли шаҳарлар ҳам бор. Франциядаги Э, Бельгиядаги Ас, Австралиядаги Ау, Вьетнамдаги Мо, Ҳиндистондаги Пу, Швейцариядаги Эд, Югославиядаги Уб каби шаҳарлар ана шулар жумласига киради. Қирғизистондаги Ўш шаҳрини ҳам булар қаторига қўшиш мумкин.

### САФАР САМОВАРИ

Сафар чоғида олиб юриладиган самоварлар Россияда юз йил бурун ҳам маълум эди. Лекин М. Меламуд яратган самовар жуда антиқадир. Меламуднинг самовари осонгина қисмларга ажралади ва уни илгаклар ёрдамида тезгина йиғишга эришиш мумкин. Самоварни халтачага кўтаришга қулай ҳолда жойлаштирса бўлади. Сафарда бундай самовар жуда асқотади.

**Д.ХУДОЙБЕРГАНОВА**
**тайёрлади**

## НИМ ТАБАССУМ

**– Бу ерда нима қилаяпсан?**
**– Нима қилардим. Хотиним билан театрга келдим.**
**– Нега бўлмаса театрга кирмаяпсан?**
**– Бугун машинани пойлаш навбати – меники.**

* * *

*Йўловчи автомобил ҳайдаётган одамдан сўрайди:*
*– Нега ҳадеб касалхонанинг теварагидан айланяпсиз?*
*– Биласизми, мен биринчи марта машина ҳайдашим...*

* * *

**Купеда кетаётган йигит ҳафсала билан сақич чайнаяпти. Рўпарасида ўтирган одам унга мурожаат қилади:**
**– Бунинг ҳаммасини менга беҳуда гапиряпсиз. Барибир эшитмайман, қулоғим оғир.**

* * *

*Хаста миллионер касал боқиб ўтирган аёлга дейди:*
*– Менинг олдимга жиянимни киритмасликнинг иложини қилинг.*
*– Меросхўрингизни-я? Нега энди?*
*– Ҳар гал келганида мен билан кўришаётиб, томир уришимни ҳисоблашга уринади.*

* * *

**Харидор аёл универмагга шикоят билан келипти.**
**– Кеча сизлардан манави свитерни харид қилгандим. Уни тоза жундан деган эдинглар. Этикеткасида эса «юз фоиз пахтадан» деб ёзиб қўйилипти.**
**– О хоним, мени алдашипти деган фикр хаёлингизга келмасин. Биз фақат бир мақсадда – куяни чалғитиш учун бу этикеткани тикиб қўйганмиз.**

* * *

*Маҳалла идорасига кўзда ёши билан бир аёл кириб келади.*
*– Эримни топиб беринглар. Мен усиз яшаёлмайман. Эрим ғойиб бўлди...*
*– Узр, хоним. Бир бошдан айтинг-чи? Эрингиз қачон ғойиб бўлди?*
*– Бир ҳафта муқаддам.*
*– Нега бу тўғрида бугун арз қилаяпсиз?*
*– Бугун маош оладиган куни...*

* * *

**Биржанинг икки даллоли умрларида биринчи марта шаҳардан ташқарига чиқишипти.**
**– Қаранг, бирам чиройли от эканми?**
**– Каллаварам бу от эмас, эшак.**
**– Ундай бўлса, нега шохи бор?**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.10

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

***«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.***

Тиражи: 15163 Буюртма Г— 314 1 2 3 4 5 6